



ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯ ТИЗИМИДАГИ МУАММОЛАР

Шамансурова Зилола Абдувахитовна

Тошкент давлат иқтисодий университетини "Молия" кафедраси (PhD) доценти

email: ganivevshaxriddin@gmail.com

ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 7

DOI: https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss7/a13

ABSTRACT

Ушбу мақолада пенсия таъминоти тизимининг ривожланган мамлакатлар амалиёти, Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг жорий ҳолати ва унинг тенденциялари таҳлил қилинган, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган ижтимоий тўловларга мувофиқ равишда пенсия даражасини белгилаш механизми асосланган. Халқаро валюта жамғармасининг тавсияларига асосан Ўзбекистонда пенсия тизimini такомиллаштириш орқали аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашга доир хулоса, таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

KEYWORDS

пенсия тизими, пенсия таъминоти, ижтимоий ҳимоя, аҳолини моддий қўллаб-қувватлаш, пенсия даражаси, ижтимоий тўлов.

Кириш (Introduction/Введение)

Жаҳондаги пенсия тизимлари тараққиётининг жорий босқичида шаклланган тақсимот механизмини янги шароитларга мувофиқлаштиришга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бораётганлигига қарамай, ривожланган мамлакатларда пенсия ислохотларининг устувор ёналишларидан бири бу нодавлат пенсия фондларини шакллантириш ва инвестицион фаолликни ошириш масаласидир. Бу борада ривожланган хорижий мамлакатларда муайян тадқиқот ишлари амалга оширилган. Аммо шунга қарамай, давлат хизматчилари ва мутахассислар ўртасида давлат таянч пенсияларини кафолатлаш лозим, айни вақтда нодавлат мулкчилик шаклидаги жамоавий ва яқка тартибдаги пенсия шаклларига кенг йўл бериш керак, деган иқтисодий ёндашув тарафдорлари тобора кўпайиб бормоқда.

Бугунги кунда нодавлат пенсия фондларини фаолиятини шакллантиришнинг институционал асосларини яратиш, нодавлат пенсия фондларини фаолиятини ташкил этиш орқали аҳолининг пенсия ёшига етганида пенсия тўловлари бўйича танлов ҳуқуқларини жорий этиш, нодавлат пенсия фондларини маблағларидан самарали фойдаланиш ҳисобига инвестицион фаолликни ошириш, миллий пенсия тизимининг стратегик вазифасидан келиб чиқиб аҳолини ихтиёрий пенсия сугуртаси соҳасига фаол жалб этиш, пенсионерлар турмуш даражасини оширишга кўмаклашишда нодавлат пенсия фондларининг ижтимоий аҳамиятини янада ошириш каби долзарб муаммоларнинг мавжудлиги уларни ҳал этиш борасида илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Обзор литературы/Literature review)

Ўзбекистон миллий пенсия таъминоти тизимини тадқиқ қилган иқтисодчилардан Ш.Ражабов миллий пенсия тизимдаги мавжуд бир қатор муаммоларга тўхталиб, уларни бартараф этиш борасида таклифларини беришган. Жумладан, миллий пенсия тизимдаги муаммолар сифатида кексайиш ва аҳолининг камайиши, натижада ишловчилар томонидан пенсия тизимига ўтказмаларининг камайиши, узок даврдан буён пенсияга чиқиш ёшининг демографик

ўзгаришларга мутаносиб қайта кўриб чиқилмаганлиги, пенсия таъминоти тизими молиявий барқарорлиги ишончли эмаслиги қабилар қайд этилган [1].

Д.А.Шолдаров эса, пенсия таъминоти тизимининг молиявий ҳолати энг муҳим масалалардан бири эканлигини қайд этиб, "миллий пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлашда демографик омиллар, ижтимоий сугурта тизимида аҳолининг муносиб иштирокини таъминлаш ҳамда пенсия таъминотини молиялаштиришда самарасиз воситалар мавжудлиги, шунингдек, ижтимоий сугуртадаги рағбатлантирувчи механизмларнинг заифлиги асосий омиллардан бўлиб майдонга чиқиши"ни таъкидлайди [2].

Хориж иқтисодчи олимларидан Куйнх-Нга Нгуйен тадқиқотларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг пенсия ва ижтимоий нафакалар кўринишида моддий қўллаб-қувватлашда давлат пенсияларини ҳисоблаш ва уларнинг индексацияланишини самарали олиб боришнинг қатор асосий белги ва мезонларини аниқ сифат ва миқдорий кўрсаткичлар орқали ифодалаш зарурлиги эътироф этилади [3].

Е.Папапетроу, П.Тсалапорта тадқиқотларида фуқароларга давлат пенсияларни тайинлашда асосий макроеқтисодий кўрсаткичлар ўзгаришини ўрганиш асосида, оптимал мезонларни қўллаш ҳамда ушбу кўрсаткичларнинг комбинатсиялари асосида ягона кўрсаткични аниқлашнинг етакчи хориж мамлакатлари илғор тажрибаларини ўрганиб чиқиш ва ушбу механизмларни такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган [4].

Тадқиқотчи Антипева Н фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини амалга ошириш қафолати сифатида қонунчилик ҳужжатларида ижтимоий тўловларни миқдорини ўз вақтида оширишга қаратилган инфляцияга қарши механизмларни жорий қилиш лозимлигини таъкидлайди [5]. Жаҳон банки тадқиқотчиларидан Пигот ва Санеларнинг фикрича, пенсияларни индексация қилишда 3 та асосий жиҳатни ҳисобга олиш лозим. Биринчидан, индексация қондалари шаффоф бўлиши ҳамда иштирокчиларнинг қўшган улушидан катта миқдорда фарқ қилмаслиги лозим. Иккинчидан, индексация

режалаштирилмаган қайта тақсимлашга олиб келмаслиги ҳамда жамғариш ва ишчи кучи ҳаракатига тескари таъсир кўрсатмаслиги лозим. Учинчидан, давлат пенсия тизимида индексатсия дастурлари ҳусусий пенсия тизимларида индексатсиялаш билан мувофиқ бўлиши керак [6].

М.Айзиновнинг фикрига кўра, пенсия тизимига макроиктисодий омиллар (ЯИМ динамикаси, таркиби ва миқдори, иш ҳақи миқдори, инфляция даражаси, миллий валютанинг харид қобиляти, истеъмол бозори ҳолати), аҳолининг демографик ҳусусиятлари (аҳолининг табиий ҳаракати кўрсаткичлари, унинг ёш ва жинс таркиби, иқтисодий фаол ва меҳнатга лаёқатсиз аҳоли нисбати), ижтимоий-меҳнат муносабатлари (меҳнат бозоридаги мавжуд вазият, иш ҳақи динамикаси, яшаш минимумининг пенсия миқдорларига нисбати) тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Бирок, кўрсатиб ўтилган барча омиллар экзоген ўзгарувчилар ҳисобланади ҳамда улар пенсия таъминоти тизимининг ички мантисига таъсир даражаси нисбатан пастдир [7]. Б.Маматовнинг “Пенсия жамғармаси фаолияти” номи ўқув қўлланмасида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси фаолиятининг назарий ҳуқуқий асослари, Пенсия жамғармаси бюджети, даромадлари ва харажатлари, Пенсия жамғармаси фаолияти назорати ва тизимнинг ахборот таъминоти каби масалалари ўрин олган [8].

Д.Рустамовнинг “Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари” номи монографиясида Ўзбекистонда Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг илмий-назарий асослари, Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари, пенсия тизими ҳолати ва ривожланиш тенденциялари ҳамда Пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигини таъминлаш истикболлари тадқиқ этилган бўлиб, улар юзасидан муҳим илмий хулосалар шакллантирилган ва таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган [9].

А.Вахабов ва бошқалар томонидан тайёрланган “Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси” номи дарслиқда пенсия тизимларининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари, пенсия таъминотининг иқтисодий муносабатлар тизимидаги аҳамияти, жаҳондаги пенсия тизимларини ислоҳ этиш моделлари ва пенсия таъминотини ривожлантириш тажрибаси, ривожланган, ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари пенсия тизимларини ислоҳ этишнинг ўзига хос ҳусусиятлари очиқ берилган [10].

Юқоридагилардан кўрииб турибдики, монография, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг ҳеч бирида пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масаласи ҳозирги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар (Тараққиёт стратегияси, Давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш Концептсияси лойиҳаси билан боғлиқ жараёнлар тўлиқ очиқ берилмаган.

Тадқиқотни амалга оширишда фойдаланилган усуллар (Methods/Methodology).

Тадқиқотни амалга оширишда қўйилган мақсадларни амалга оширишда мантаний ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш, иқтисодий-статистик таҳлил, ўзаро ва қиёсий таққослаш усулларидан самарали фойдаланилди.

Олинган натижалар (Results/Results).


Олиб борилган таҳлиллار натижасида мамлакатимиздаги пенсия таъминоти тизимини ривожланиш ҳолати ва унинг ривжланишини ўзига хос ҳусусиятлари. Шунингдек, ривожланган мамлакатлари пенсия таъминоти тизимини Ўзбекистондан қўллаш имкониятларини аниқланган ҳамда илмий ва амалий таклифлар шакллантирилган. Шу билан бирга, бозорнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган ҳолатлар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари асослаб берилган.

Таҳлиллар (Analysis/Analysis).

Жамғарманинг 2022-йилги даромадлари прогноз кўрсаткичлари 33 180,1 млрд.сўм ёки 106,7% га бажарилди, шундан, солиқлардан ташқари тушумлар миқдори 40,6 млрд.сўмни ташкил этади. Бунинг натижасида, 2023-йилнинг 1 январ ҳолатига 3 023,6 млрд.сўм ёки 23 кунлик тўлов учун етарли эркин қолдиқ маблағлари сақланишига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий кўрсаткичлари шунинг кўрсаткичи, сўнги 3-йил давомида унинг даромадлари 1,681 ва харажатлари 1,41 баробарга мос равишда

орган. 2020-йилда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари 20,6 трлн. сўмни, харажатлари эса 31,9 трлн. сўмни, ташкил қилди.



1-расм. Пенсия жамғармасининг даромад ва харажатлари, трлн.сўм

Манба: Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида тайёрланган.

2022-йилдаги ҳақиқий харажатлари Жамғарма ҳисобидан 44 927,7 млрд. сўм ва Республика бюджети ҳисобидан 6 275,0 млрд. сўмни ташкил этди. Тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мақсадида давлат бюджетидан 11 092,0 млрд.сўм трансфертлар ажратилди




2-расм. Давлат бюджетдан ажратилаётган трансферт маблағлари миқдори, трлн.сўм

Манба: Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Ўзбекистон Республикасида 2023-йил 1 январ ҳолатига жами Пенсия жамғармаси томонидан пенсия ва нафақа олувчиларнинг умумий сони 4 346,3 минг нафарга етиб, аҳоли сонидagi улуши 12,1 %ни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич 2017-йил 1 январ ҳолатига нисбатан 1 205,1 минг нафарга ёки 138,4%га ўсган.


Жами 4 346,3 минг нафар пенсия ва нафақа олувчилардан 3 765,7 минг нафари пенсия ва 580,6 минг нафари нафақа олувчиларни ташкил этади.



3-расм. 2017-2023-йилларнинг 1 январ ҳолатига жами пенсия ва нафақа олувчилар сони ва жами аҳолига нисбати

Манба: Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида тайёрланган.

2022-йилда 459,1 минг нафар фуқарога пенсия ва нафақалар тайинланган бўлиб (шундан, 299,7 минг нафарига пенсия ва 159,4 минг нафарига нафақа), ушбу кўрсаткич 2017-йилга нисбатан 161,1 минг нафар фуқарога ёки 154,0% кўпайган.




4-расм. 2017-2023-йилларда янги тайинланган пенсия ва нафақа олувчилар сони

Манба: Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Жами 3 765,7 минг нафар пенсия олувчилардан 3 124,0 минг нафари (83,0%) ёшга доир, 419,8 минг нафари (11,1%) ногиронлик ва 221,9 минг нафари (5,9%) боқувчисини йўқотганлик пенсия олувчилар ташкил этади.

2022-йилнинг декабр ойида пенсияларнинг ўртача миқдори 1 036,2 минг сўми ташкил қилиб, йил бошига ойига нисбатан 113,3 минг сўмга ёки 1,12 баробарга кўпайган. Нафақаларнинг бир ойлик ўртача миқдори 651,7 минг сўми ташкил этиб, йил бошига нисбатан 75,0 минг сўмга ёки 1,13 баробарга кўпайди.



5-расм. 2017-2023-йилларда ўртача пенсия миқдорининг ўзгариш динамикаси, сўм

Манба: Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва маънавий қадриятлар вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Пенсия олувчиларнинг пенсия миқдорлари бўйича таҳлил қилинганда 698 000 сўм яъни энг кам пенсия миқдоридан ва ундан кам пенсия олувчилар сони

1 663,8 минг нафари ташкил этиб жами пенсия олувчиларнинг 44,2%ни ташкил этади.

1-жадвал

Пенсия олувчиларнинг пенсия миқдорлари тўғрисида

Пенсия миқдори (сўмда)	Ўшга доир		Ногиронлик		Боқувчисини йўқотганлик		Жами	
	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%
500 000	544 809	17,4%	0	0,0%	0	0,0%	544 809	14,5%
500 001 - 697 999	469 610	15,0%	0	0,0%	110 837	50,0%	580 447	15,4%
698 000	349 795	11,2%	188 745	45,0%	0	0,0%	538 540	14,3%
698 001 - 700 000	7 325	0,2%	816	0,2%	173	0,1%	8 314	0,2%
700 001 - 800 000	274 665	8,8%	28 606	6,8%	7 410	3,3%	310 681	8,3%
800 001 - 900 000	169 939	5,4%	35 883	8,5%	7 457	3,4%	213 279	5,7%
900 001 - 1 000 000	130 239	4,2%	26 440	6,3%	33 983	15,3%	190 662	5,1%
1 000 001 - 1 100 000	118 380	3,8%	15 838	3,8%	8 428	3,8%	142 646	3,8%
1 100 001 - 1 200 000	105 388	3,4%	14 765	3,5%	8 370	3,8%	128 523	3,4%
1 200 001 - 1 300 000	94 965	3,0%	13 725	3,3%	8 224	3,7%	116 914	3,1%
1 300 001 - 1 400 000	86 228	2,8%	11 237	2,7%	17 443	7,9%	114 908	3,1%
1 400 001 - 1 500 000	78 819	2,5%	10 157	2,4%	3 187	1,4%	92 163	2,4%
1 500 000 сўм ва ундан юқори	693 861	22,2%	73 613	17,5%	16 332	7,4%	783 806	20,8%
Жами	3 124 023		419 825		221 844		3 765 692	

Манба: Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва маънавий қадриятлар вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида тайёрланган.

2022-йилда янги тайинланган ёшга доир пенсия олувчиларнинг ўртача иш стажы 23,6-йилни ташкил этиб (шундан, эркаклар – 26,6-йил ва аёллар – 21,0-йил)

2-жадвал

Пенсия олувчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақлари тўғрисида

Ўртача ойлик иш ҳақи	сон	%
0 сўм	1 030 919	27,4%
500 000 сўмгача	221 111	5,9%
500 001-1 000 000 сўм	536 889	14,3%
1 000 001-1 600 000 сўм	601 076	16,0%
1 600 001-2 000 000 сўм	350 294	9,3%
2 000 001-2 500 000 сўм	331 872	8,8%
2 500 001-3 200 000 сўм	296 732	7,9%
3 200 001-3 500 000 сўм	85 917	2,3%
3 500 001-4 000 000 сўм	97 064	2,6%
4 000 000 сўм ва ундан юқори	213 818	5,7%


Манба: Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва маънавий қадриятлар вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида тайёрланган.

2017-йилга нисбатан 1,8-йилга кўпайган.

Пенсия жамғармаси тизимни автоматлаштириш ва аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида Пенсия жамғармаси томонидан 2022-йил давомида 1,6 млн. нафар фуқароларга интерактив ва масофавий хизматлар кўрсатилди. Жумладан,

- 922,4 минг нафар фуқароларга бола туғилганда бериладиган суяюнчи ва 154,9 минг нафар фуқароларга дафн маросими учун нафақаларни улар томонидан Жамғармага мурожаат қилмасдан тўғридан-тўғри Халқ банкининг исталган филиалига борган ҳолда тўланиши таъминланди;

- 403,2 минг нафар фуқароларга пенсия (нафақа) тайинланганлиги, рўйхатда туриши ҳамда миқдори тўғрисида маълумотномалар электрон шаклда тақдим этилди.



6-расм. 2017 - 2022-йилларда тайинланган ёшга доир пенсияларнинг ўртача иш стажы тўғрисида

Манба: Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва маънавий қадриятлар вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 20 апрелдаги “Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-113-сон Фармонида асосан, “Хужжатлар-телефонда” тамойили асосида мобил илова орқали пенсия гувоҳномасини мобил иловага ўтказиш ва уни QR-код орқали ҳам идентификатсиялаш йўлга қўйилди.

3-жадвал

Пенсия олувчиларнинг ўртача иш стажылари тўғрисида

Стаж давомийлиги	жами	%	шундан	
			еркак	аёл
7-йилгача	233 725	6,2%	82 919	150 806
7-йил	83 248	2,2%	22 501	60 747
8-йил	84 547	2,2%	21 843	62 704
9-йил	85 656	2,3%	22 092	63 564
10-йил	97 944	2,6%	22 015	75 929
11-15-йилгача	334 646	8,9%	101 857	232 789
15-20-йилгача	406 165	10,8%	159 871	246 294
20-25-йилгача	580 563	15,4%	204 818	375 745
25-30-йилгача	559 590	14,9%	210 501	349 089
30-35-йилгача	538 393	14,3%	185 693	352 700
35-40-йилгача	500 352	13,3%	223 352	277 000
40-йил ва ундан юқори	260 863	6,9%	151 865	108 998
Жами	3 765 692		1 409 327	2 356 365

Манба: Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва маънавий қадриятлар вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Халқаро Валюта Жамғармасининг тавсияларига асосан Ўзбекистонда пенсия тизимини такомиллаштириш бўйича тақдим этилган тавсияларга асосан мамлакатимизда пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, қариялар ва кекса ёшдагиларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш ва соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш юзасидан 2022-йилда

4 та Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3 та Фармон ва 4 та қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2 та қарорлари ҳамда 3 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

1. Ўзбекистон Республикасининг 2022-йил 9 февралдаги “Фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-752-сон Қонунига мувофиқ “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Киритилган ўзгартиришларга мувофиқ,

- аёлларга пенсия ҳисоблашда уларнинг болани парваришлаш таътилида бўлиш вақтининг ҳаммасини жамланганда кўпи билан 6-йиллик даврни иш стажига қўшиб ҳисоблаш ҳуқуқи берилди;

- ўқувчи ва талабаларга боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқини таълим муассасаларида ўқишнинг бутун даври давомида, бироқ 23 ёшга тўлгунча қадар сақлаб қолиш ҳуқуқи берилди;

- ногиронлиги болаликдан бўлган болаларга 18 ёшга тўлгунча қадар қараган даврни иш стажига қўшиб ҳисоблаш йўлга қўйилди;

Мазкур Қонунда кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишда Пенсия жамғармаси ва Давлат бюджетидан қўшимча равишда 65 млрд.сўм ажратилди.

2. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг 2022-йил 19 сентябрдаги ЎРҚ-791-сон Қонуни қабул қилинди.

Мазкур Қонунга асосан 2023-йил 1 январдан бошлаб пенсияни ҳисоблаш учун инobatта олинadиган ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори чегараси пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 10 бараваридан 12 бараваргача ошириш бўйича ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Натижада 371 минг нафар фуқаронинг пенсия миқдори қайта ҳисоб китоб қилиниб ўртача ойлик пенсия миқдори 400 минг сўмгача ошиши кузатилади. Шунингдек, Қонунга мувофиқ кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишда Пенсия жамғармасидан қўшимча равишда 1,6 трлн. сўмдан ортиқ миқдоридаги маблағлар талаб этилади.

“Инсон кадри учун” тамойилидан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг даромадини ошириш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва моддий фаровонлигини ошириш ҳамда фуқароларнинг пенсия таъминоти билан қонун ҳужжатларини амалиётда қўллашда юзага келаётган турли хил ёндашувларнинг олдини олиш ва коррупсиоген факторларни келтириб чиқарувчи ҳолатларга барҳам бериш мақсадида 2022-йил 26 октабр куни “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига пенсия тайинлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-795-сон Қонуни қабул қилинди.

Мазкур Қонун билан 2023-йил 1 январдан бошлаб И ва ИИ гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг пенсия тайинланганидан кейин камида 1-йиллик иш стажы мавжуд бўлган тақдирда иш стажы ва иш ҳақларини инobatта олган ҳолда ҳар 2-йилда бир маротаба қайта ҳисоблаб чиқилади.

Натижада, 2023-йилда 75 мингдан зиёд ногиронлиги бўлган шахсларнинг пенсиялари уларнинг аризаларига асосан қайта ҳисоб-китоб қилиниб ўртача 300 минг сўмгача ошади.

Шунингдек, келгусида ногиронлик пенсияси тайинланганидан кейин меҳнат фаолиятини олиб бораган 43 мингдан зиёд ногиронлиги бўлган шахсларнинг пенсиялари ҳар 2-йилда (иш стажы ва ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб) бир маротаба қайта ҳисоблаб борилади.

Қонунда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун 2023-йил 1 январдан эътиборан Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан-йилига қўшимча равишда ўртача 275 млрд сўм маблағ ажратилади.

3. Ногиронлиги бўлган шахслар, айниқса, доимий парваришга муҳтож бўлган болаларни парваришлаётган oilаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, ижтимоий ёрдамнинг замонавий механизмларини амалга оширишда янги ёндашувларни жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 17 февралдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-74-сон Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармонга асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли даромадларини оширишни таъминлаш мақсадида, 2022-йил 1 апрелдан бошлаб:

а) зарур иш стажыга эга бўлмаган меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси миқдори 440 000 сўмдан 622 000 сўмга етказилди;

Бунда 49,1 минг нафар фуқароларнинг ногиронлик нафақа миқдорлари 182 минг сўмга ошди.

б) иш стажы тўлиқ бўлмаган ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда 440 000 сўмдан 622 000 сўмга етказилди.

Бунда 112,7 минг нафар фуқароларнинг ногиронлик пенсия миқдорлари ўртача 138 минг сўмга ошди.

Бунинг натижасида ногиронлик пенсия ва нафақаларнинг энг ками миқдори эса 698,0 минг сўмга етказилиб, 2017-йилнинг-йил

бошига нисбатан 4,8 бараварига ўсган (2017-йил 1 январ ҳолатига энг кам ногиронлик пенсия миқдори

146,5 минг.сўм).

в) ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалари ва одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касалликка чалинган 18 ёшгача болалари бўлган oilаларга ҳар ойда 500 000 сўм миқдорида янги турдаги парваришлаш нафақаси жорий этилди.

Бунда 35,1 минг нафар oilаларга 500 минг сўм миқдорида парваришлаш нафақаси тўлаб берилади.

Фармонда кўзда тутилаётган чора-тадбирларни молиялаштириш учун Пенсия жамғармаси ва республика бюджети ҳисобидан қўшимча 378,4 млрд сўм маблағлар йўналтирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 29 апрелдаги “Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-128-сон Фармонига асосан, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллигини таъминлаш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлаш, уларнинг даромадларини инфлатсия даражасига қараб индексациялаб бориш ҳамда тегишли ижтимоий тўловлар миқдорининг минимал истеъмол харажатлари қийматидан кам бўлмаслигини таъминлаш мақсадида 2022-йил 1 майдан бошлаб қуйидагилар оширилди:

а) 724 минг нафар фуқароларнинг пенсия ва нафақа миқдорлари 440 минг сўмдан минимал истеъмол харажатлари миқдори 500 минг сўмга етказилди;

б) 3,4 млн нафар минимал истеъмол харажатлари миқдоридан юқори пенсия ва нафақа олувчиларнинг ойлик пенсияси инфляция даражасидан кам бўлмаган миқдорда - 12 фоизга оширилди.

Мазкур Фармонда кўзда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш учун Пенсия жамғармаси ва республика бюджети ҳисобидан қўшимча 3 667 млрд. сўм маблағ ажратилди.

Бундан ташқари, пенсиялари миқдорларини ҳар-йиллик инфлатсия даражасида қайта ҳисоблаш (ошириб бориш) тизимини жорий этишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

5. Мамлакатимизда пенсия, нафақа, компенсациялар ва бошқа ижтимоий тўловларни тўлаш ва етказиб беришда фуқароларга қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида 2022-йил 1 майдан бошлаб барча турдаги давлат пенсияларини, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан тўланадиган нафақалар, компенсациялар ва бошқа тўловларни ҳамда кам таъминланган oilалар учун болалар нафақаси ва моддий ёрдам пулини банк карталари орқали олувчиларга ҳар ойлик пенсия ва нафақа пулининг 1 фоизи миқдорида қўшимча тўлов жорий қилинади.

Ушбу қарор билан 8,9 млн. аҳолини қамраб олиниб, республика бюджетидан жами 2,2 трлн. сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Халқаро Валюта Жамғармасининг тавсияларига асосан амалга оширилган ишлар натижасида 2022-йилнинг декабр ойида пенсияларнинг ўртача миқдори 1 036,2 минг сўмин ташкил қилиб,- йил бошига ойига нисбатан 113,3 минг сўмга ёки 1,12 баробарга кўпайган. Нафақаларнинг бир ойлик ўртача миқдори 651,7 минг сўмини ташкил этиб,-йил бошига нисбатан 75,0 минг сўмга ёки 1,13 баробарга кўпайди.

Халқаро Валюта Жамғармаси томонидан тақдим этилган айрим тавсиялар Ўзбекистон пенсия тизимига қуйидагича таъсири этади. Жумладан:

1. Пенсия ёшини белгилаш бўйича.

Пенсия ёшини эркак ва аёллар учун бир хил 63 ёшгача етказиш. Бугунги кунда пенсия ёши эркаклар учун 60 ёш, аёллар учун эса 55 ёшни тақшил қилади. Ушбу кўрсаткич 1956-йилдан бери қайта кўриб чиқилмаган.

Ушбу тавсия амалиёрга жорий этилса бир-йилда ўртача 116,2 минг нафар эркак кишига ва 139,5 минг нафар аёл кишига ёшга доир пенсия тайинланган бўлса, тақдидан сўнг мурожаат қилганларнинг 33% эркак ва 50% аёлларга пенсия тайинланмайди.

Юқоридаги таклиф 2024-йилдан жорий қилинса, 2024-йилда 592,2 млрд.сўм маблағ иқтисод қилинади.

2. Эрта пенсия чиқиш шартларини қатъийлаштириш бўйича.

- 20-йиллик иш стажига эга бўлган аёлларга 54 ёшдан яъни, муддатидан бир-йил олдин имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқини бекор қилиш.

Бунда 1999-йил 1-июндан Аёллар-йилида 20-йил иш стажига эга бўлган аёлларга 54 ёшдан пенсия тайинлаш ҳуқуқи берилган. 2022-йилда 39,3 минг нафар аёлга 54 ёшдан имтиёзли ёшга доир пенсия тайинланган. Ушбу имтёз бекор қилинса Пенсия жамғармаси бир-йилда ўртача 311,1 млрд.сўм иқтисод қилинади.

- Корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган шахсларга муддатидан олдин пенсия тайинлашни бекор қилиш.

Мазкур йўналиш бўйича 2022-йилда 594 нафар фуқарога (ўртача пенсия миқдори 923,5 минг сўм) муддатидан олдин пенсия тайинланган. Ушбу тартибни бекор қилиш натижасида бир-йилда ўртача 3,8 млрд.сўм маблағ иқтисод қилинади.

3. Пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш бўйича.

Қонунга мувофиқ пенсия тайинланган кейин ортирилган иш стажы инобатга олинмайди. Бугунги кунда жами ёшга доир пенсия олувчиларнинг 38 %

(1 134,2 минг нафар) тўлиқсиз иш стажы билан тайинланган бўлиб, 2022-йилда янги тайинланган ёшга доир пенсияларнинг 64,5% (164,9 минг нафар) тўлиқсиз иш стажы билан пенсия тайинланган. Ўртача пенсия миқдори 525,1 минг сўмни ташкил қилмоқда. Ушбу тақлиф амалиётга жорий этилса ўртача 250 минг нафар фуқаронинг пенсия миқдори қайта ҳисобланиб-йилига 1,4 трлн.сўм қўшимча маблағ талаб этилади.

Натажалар интерпретацияси (Обсуждение/Discussion).

Ушбу тадқиқотни амалга ошириш давомида қуйидаги саволлар пайдо бўлди ва уларга қуйидагича жавоблар шаклланди: Халқаро валюта жамғармасининг тавсияларига асосан пенсия таъминоти

тизимининг ривожланган мамлакатлар амалиёти, Ўзбекистондаги таҳлили ва прогнозлари? Халқаро валюта жамғармасининг тавсияларига асосан Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг жорий ҳолати ва унинг тенденциялари таҳлили? Мазкур тадқиқотни амалга ошириш давомида ушбу саволларга асосли жавоблар шакллантирилди.

Мақола бўйича хулоса ва тақлифлар (Заключения/Conclusion).

Юқорида амалга оширилган таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, Бугунги кунда жаҳон мамлакатларида турлича пенсия таъминоти моделлари амал қилади. Ўзбекистонда авлодлар бирдамлигига асосланган тақсимланувчи ва жамғариб бориладиган пенсия тизимлари фаолият кўрсатади. Аслида жамғариб бориладиган пенсия тақсимланувчи пенсия тизимини тўлдириб тўрсада амалда бу жараён натижа бераётгани йўқ. Бу эса пенсия тизимини ислох этишда хориж тажрибасини ўрганишни тақозо этади. Пенсия ёши мамлакат иқтисодиёти даражаси (молиявий-иқтисодий инкирозлар, аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми), фуқароларнинг турмуш тарзи, меҳнат стажларини ҳисобга олиш (меҳнат жараёнлари), ўртача умр кўриш давомийлигига (демографик ўзгаришлар) қараб ҳисобланади. Халқаро тажрибада пенсия маблағлари маълум бир бадаллар ҳисобига шаклланади. Ўзбекистонда ҳам 2018-йилда бекор қилинган ишловчилар томонидан пенсия учун тўланган сугурта бадалларини яна кам фоизлар (2-3 фоиз) ҳисобига тўлаш механизминини қайта жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бу эса келажакда Пенсия жамғармаси маблағларининг тақчиллиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради

References:

1. Ж Ражабов Ш. Пенсия жамғармалари активларини тасарруф қилишнинг молиявий стратегиялари. «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий-электрон журнали. №6, декабр, 2019.
2. Шолдаров Д.А. Ўзбекистонда пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлаш омиллари. «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий-электрон журнали. №2, апрел, 2019.
3. Нгуйен, Қ. Н. (2024). Интергенерационал тиме трансфер, ретиремент анд публис пенсионс. Тхе Жоурнал оф тхе Есономисс оф Агеинг, 27, 100502.
4. Папапетроу, Евангелиа & Тсалапорта, Пинелопи, 2020. "Тхе импаст оф популатион агинг ин рич соунтриес: Вхатъс тхе футуре?," Жоурнал оф Полисий Моделинг, Елсевьер, вол. 42(1), пагес 77-95.
5. Антипова Н., (2009) "Антиинфляционные механизмы в законодательстве о социальном обеспечении военнослужащих", Вестник Омского университета. 2009. № 3 (20). С.106–111.
6. Пигготт Ж анд Сане Р (2009) Индексинг Пенсионс. Ворлд Банк Сосиал Протестион Диссуссион Паперс, но. 0925.
7. Айзинова М., (2009) "Эволюция пенсионного обеспечения в показателях уровня жизни пенсионеров", <https://esfor.ru/публикации/эволюция-пенсионного-обеспечения/>
8. Маматов Б.С. Пенсия жамғармаси фаолияти. Оқув қўлланма. – Т.: «Баркамолфайзмедия». 2017. – 280 б., 13-б.
9. Рустамов Д. Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари. Монография. – Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2018. – 200 б.
10. Вахабов А.В. ва бошқалар. Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси. Дарслик. . – Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ. 2018. 53-б...